

Ставрополда яшовчи қиз Чеченистонда Исломни қабул қилди



13:30 / 08.05.2021 2607

Чеченистон оммавий ахборот воситалари республика меҳмонлари орасида Исломни қабул қилишнинг янги ҳолати ҳақида хабар беришмоқда.

Йесентуки шаҳридан бўлган 23 ёшли қиз Аният Гудермес мусулмон вакилларидан маросимни ўтказишни сўради. Маросим туман қориси Амир Абдулмуслимов раҳбарлигида бўлиб ўтди.

Аният шаҳодат калимасини айтиб бўлиб, арабча «ишончли» ва «хавфсиз» деган маънони англаувчи Амина номига исмини ўзгартирди.

Маросим иштирокчилари Аминани умматнинг бир қисми эканлиги билан табриклади. «Аллоҳ таоло унинг иймонини кучайтирсин! Ва Аллоҳ таоло бизга жаннатни ато этсин», деб дуо қилди имом.

Йил бошидан бери Чеченистонда Исломни мамлакатнинг бошқа минтақаларида яшовчилар қабул қилган. Тахминан бир ой олдин, Грозниялик қиз Исломни қабул қилган, у Аният сингари ўзи учун Амина исмини танлаган эди.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси